

## Албатта сизга йўлиқувчидир



11:33 / 28.12.2018 3586

Аллоҳ таоло Жума сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿تَعْمَلُونَ كُنْتُمْ بِمَا فَعَيْنَاكُمْ وَالشَّهَادَةَ الْعَيْبِ عَلَيْهِ إِلَىٰ تَرْدُونَهُمْ مُلْقِيكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُ تَفْرُوتَ الَّذِي الْمَوْتِ إِنَّ قُل﴾

**«Сен: «Аниқки, сиз қочаётган ўлим, албатта, сизга йўлиқувчидир. Сўнгра ғайб ва шаҳодатни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсизлар. Бас, У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берадир», - деб айт» (8-оят).**

Ҳа, ҳеч бир кимса ўлимдан қочиб, қутула олмайди. Шу жумладан, яҳудийлар ҳам. Ўлим инсонни, вақти-соати келганда, қаердан бўлса ҳам, излаб топади.

**«Аниқки, сиз қочаётган ўлим, албатта, сизга йўлиқувчидир».**

Ҳар бир инсон ўлганидан сўнг, махфий ва ошкора нарсаларнинг барчасидан хабардор Зот – Аллоҳ таолонинг ҳузурига қайтарилади ва бу дунёда қилган ҳар бир иши учун жавоб беради.

**«Сўнгра ғайб ва шаҳодатни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсизлар».**

Агар яширмоқчи бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзи у банда бу дунёда нималар қилганини айтиб беради.

**«Бас, У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берадир...»**

Аллоҳ таоло мусулмонларга мана шу тариқа ўрнакли дарс ўтиб, уларнинг ҳимматини ошириб, ҳар қандай амрни зўр иштиёқ билан кутиб олишга тайёрлаб қўйганидан сўнг, Ислом уммати учун энг муҳим ишлардан бири – жума намози ҳақида сўз очади.